

МУСИҚИЙ ТАЪЛИМДА КТ ЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ
ПЕДАГОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Пайзиева Дилноза Абдурасул қизи
Ўзбекистон Давлат Консерваторияси
“Мусиқа назарияси” кафедраси
PhD – мустақил изланувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада мусиқий таълимда КТ ларидан фойдаланишнинг педагогик жиҳатлари – ушбу муаммони шаклланиши тарихини ўрганиши ва уни тажрибада қўллаш натижалари билан танишини орқали ёритилади. Шу билан бирга таълим жараёнида педагогнинг қайси вазифаси компьютерга юклатилиши мумкинлиги масалалари кўриб чиқиласди.

Калит сўзлар. Мусиқий таълим, компьютер технологиялари, педагог, интерфаол мобил иловалар ва дастурлар.

Аннотация. В данной статье рассматриваются педагогические особенности использования КТ в музыкальном образовании путем изучения истории становления этой проблемы и ознакомления с результатами ее применения на практике. В то же время рассматриваются вопросы о том, какая роль преподавателя может быть возложена на компьютер в учебном процессе.

Ключевые слова. Музыкальное образование, компьютерные технологии, педагог, интерактивные мобильные приложения и приложения.

КИРИШ. Таълим жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган хар қандай янги восита дидактиканинг қолган воситалари: таълим мақсади, таркиби, шакллари, усуллари, педагог ва ўқувчининг фаолияти билан тенг равишда муҳим ҳисобланади. Ушбу элементлар бир бири билан узвий боғлик ва улардан бирининг ўзгариши қолганларини ҳам ўзгаришига олиб келади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, таълим жараёнига янги элемент – компьютер технологияларини кириб келиши дидактик тизимнинг бошқа элементларининг янги тус олишига сабаб бўлади.

Компьютер технологияларининг (кейинчалик КТ) педагогик жиҳатларини ўрганиш – уни мусиқий таълимга жорий этиш жараёнида муҳим босқич ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқган ҳолда мазкур омилни илмий тадқикот унсурига айлантириш, КТ ларини мусиқий таълимда қўллашдан қутилган натижаларга эришишда тўғри ёндашув бўлади.

Компьютер технологияларининг дидактик имкониятларини чукур ўрганиш ўз навбатида уни таълим жараёнини қайси босқичлари ва шаклида қўллашни алгоритмини тузиб олишга ёрдам беради. Шу билан бирга таълим майдонида интерфаол ўқув қўлланмалар, маълум фанни ўқитишга қаратилган сайт ва мобил

MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

иловалар, ўқув платформаларини ишлаб чиқишида назарий асос бўлиши бир қатор мусиқашунослик ва педагогик манбааларда ўз тасдигини топади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР.

КТ ларининг педагогик жиҳатлари мусиқий таълимнинг янги ва нисбатан кам ўрганилган илмий муаммолари десак муболаға бўлмайди. Муаммони ёритишида илмий манбааларнинг назарий тахлили, тажриба усули ва таққослаш усуллари кўлланилади.

КТ ларининг дидактик жиҳатлари ёритилган илмий манбаалар асосан амалий тажриба натижаларига асосланади.

В. В. Медушевский ва А. А. Подражанская “Компьютеризация музыкального образования как музыковедческая проблема”¹⁸ ҳаммуаллифлик мақолаларида мусиқий назарий ва тарихий фанларни ўқитишида педагогнинг ўрнига компьютер бажариши мумкин бўлган қатор вазифаларни келтириб ўтадилар. Мисол учун элементар мусиқа назарияси, сольфеджио ва гармония фанларида тренажёр (машқловчи), чолғулаштириш фанларида чолғулаштирилган вазифаларни ижро этиш, мусиқий тарихий фанларда эса катта аҳборот манбайи функцияларини бажаради. Мусиқий таълимни компьютерлаштиришнинг салбий жиҳатлари сифатида эса ҳаддан зиёд техник воситаларга эътибор қаратиб, фан ва таълим мақсадларидан четлашиб кетишни мисол келтирадилар. Муаллифлар мусиқий таълимнинг асосий дидактик вазифаси яъни бадиий ва манъавий тарбия масалаларини компьютерга юклатиш мумкин эмас деган фикрни олға сурадилар. Аммо бу фикрлар ўтган асрнинг 80-ийлларида олиб борилган илмий қарашлар эканини эътиборга олган ҳолда хозирда КТ ларининг дидактик вазифалари бир мунча кенгайди десак муболаға бўлмайди. Г. Тараеванинг “Компьютер и инновации в музыкальной педагогике” тўпламининг биринчи жилдида¹⁹ муаллиф компьютерларнинг ауди-визуал имкониятларидан мақсадли фойдаланиш тарбияланувчиларда мусиқий аҳборотни бадиий тасаввурини шакллантириш мумкинлигини айтиб ўтади.

С. В. Пучков “Мусиқий компьютер технологиялари замонавий ижодиётнинг янги асбоби сифатида” (“Музыкальные компьютерные технологии как новый инструментарий современного творчества”) илмий ишида КТ ларининг дидактик имкониятлари ҳақида сўз юритар экан, компьютер техникаси асосида мусиқий таълимнинг барча йўналишларида кўлланса бўладиган мураккаб ва самарали машқ комплексларини яратиш мумкин деб таъкидлайди. “....КТ мусиқа ижодиётига сингдирилиши композитор, мусиқашунос, ижрочи ва педагогнинг фаолиятини ўзгартиради” – деб ёзади.

Муаллиф айниқса мусиқий назарий фанлар туркумida компьютердан фойдалиниш имкони кенгроқ эканлиги, педагогик жараёндаги мавзуларни қайта-

¹⁸Медушевский В.В., Подражанская А.А. Компьютеризация музыкального образования как музыковедческая проблема. ЭВМ И проблемы музыкального образования. Новосибирск, 1989 – 286 с.

¹⁹Тараева Г. Р. Компьютер и инновации в музыкальной педагогике. Книга 1: Стратегии и методики: - М.: «Классика XXI», 2021.

MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

қайта тақрорлаш, ўқувчиларда маълум қўникма, билим, маҳоратни ҳосил қилиш учун машқларни бажариш ва уларни назорат қилиш каби вазифалар компьютер томонидан бажарилиши мумкин деган фикрни беради.

Юқоридаги манбаалар таҳлилига асосланиб айтиш муминки, сольфеджио, гармония, полифония фанларида ўргатувчи, машқ ва назорат қилишга мослаштирилган интерактив дастурлардан фойдаланиш ўқувчиларда когнитивликни кучайтириб, педагогни мунтазам давом этувчи машқлаш вазифасидан озод этади. Натижада эса дарс давомида мавзу бўйича бахслар, муҳокама ва ижодий вазифалар учун кўпроқ вақт ажратиши имкони пайдо бўлади. Яъни педагогнинг янги мавзуни тушунтириш, янги билим қўникмаларини ҳосил қилиш ва уни текшириш каби вазифалари компьютерга юклатилиши мумкин деган тўхтамга келинди. Шу қаторда айтиш жоизки компьютер технологиялари педагогни ўрнини эгаллаш эмас аксинча уни фаолиятини енгиллаштирувчи восита сифатида таълимда ўрин эгаллаши кутилади. Натижада дарс давомида инсоннинг коммуникатив хусусиятига асосланган бахс ва мунозараларга, ҳамда шахсни шакллантириш ва тарбиялашга қаратилган фаолиятга кўпроқ вақт ажратилиши мумкин. Зоро, баъзи мусиқашунос педагогларнинг нуқтаи назарига кўра компьютернинг аудио, визуал ва когнитив имконияти туфайли тарбияланувчиларни маънавий ва маданий тафаккурини шакллантириш ва тарбиялаш имкониятлари мавжуд.

Мақолада нафақат илмий маанбалар, балки мусиқий таълим учун ишлаб чиқилган электрон платформалар, мобил иловалар таҳлили ҳам берилиши муаммога чуқурроқ ёндошишга ёрдам беради.

Е. Хайнер томонидан асос солинган “Soft Way to Mozart”²⁰ интерактив ўқув дастури мусиқий таълимни ривожлантиришнинг бошланғич ва ўрта босқичларини қамраб олади. Мазкур дастур интерактив ўқитувчи ўйинлар, визуал ва интерактив ноталар, китоблар, дарс режалари, карточкалар, қўшиқлар ва бошқа манбаалардан иборат. Аввалига ушбу интерактив дастур АҚШ мамлакатининг таълим тизимига, аниқроқ айтганда умумтаълим мактабларда мусиқа фанини ўқитиш ва 2 ёшдан бошлаб болаларни фортелияно асбобида ижро этишини ўргатишга қаратилган. Мазкур дастур мусиқий таълимнинг анъанвий, индивидуал ҳамда масофавий дарс шаклларида бирдек фойдаланиш имкони мавжуд. Ҳамда ўқувчиларни мустақил равишда шуғулланишлари учун мослаштирилган.

Шу қаторда россиялик мутаҳассислар томонидан ишлаб чиқилган Music-theory.ru сайтида мусиқа назарияси воситалари хақидаги маълумотлар, мусиқий тил элементларини ўзлаштириш учун машқлар ва билимни текшириш учун тестлар жойлаштирилган. Ушбу сайтнинг яна бир аҳамиятли томонларидан бири – унинг барча фойдаланувчилар учун бепул экани. Мазкур сайтдан синф ишларида ҳамда ўқувчилар уй вазифасини бажаришда фойдаланишлари мумкин. Хозирги вақтга келиб шу каби мобил илова ва мусиқий дастурлар сони кенг бўлиб, улар

²⁰ <https://www.softmozart.com/>



MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS

қаторини мусиқий таълимни педагогик ва психологик жиҳатларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилаётганини кузатиш мумкин.

Хулоса. Юқордаги маълумотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, кун сайин мусиқий таълим тизимида КТ ларидан фойдаланиш педагоглар фаолиятига кириб келяпти. Баъзи давлатларда бу жараёни шижаатчи педагогларнинг тажрибалари остида олиб борилса, баъзиларида (АҚШ, Европа малакатлари, Хитой, Россия) ушбу масала илмий тадқиқот мавзуларига айлантирилган. Шундай бўлсада айни дамда КТ ларидан мусиқа таълим масканларида қўшимча ўқув воситаси сифатида фойдаланилиши маълум бўлиб, педагогнинг аҳборот бериш, машқлаш ва назорат қилиш вазифаларини енгиллаштиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Пучков С. В. Музыкальные компьютерные технологии как новый инструментарий современного творчества. Дисс. на соис. уч. степени кандидата искусствоведения. С. П., 2002.
2. Медушевский В. В., Подражанская А. А. Компьютеризация музыкального образования как музыковедческая проблема. ЭВМ И проблемы музыкального образования. Новосибирск, 1989 – 286 с.
3. Тараева Г. Р. Компьютер и инновации в музыкальной педагогике. Книга 1: Стратегии и методики: - М.: «Классика XXI», 2021.
4. <https://www.softmozart.com/>